

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 14-ҳадис

14 - عَنْ أَبِي زُقَيْبَةَ تَمِيمِ بْنِ أَوْسٍ الدَّارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الدِّينُ النَّصِيحَةُ» قُلْنَا: لِمَنْ؟ قَالَ: «لِلَّهِ وَلِكِتَابِهِ وَلِرَسُولِهِ وَلِأُمَّةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَامَّتِهِمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Руқайя Тамийм ибн Авс ад-Дорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«**Дин хайрихоҳликдир**», деганларида, биз: «Ким учун, эй Аллоҳнинг расули?» деб айтдик. Шунда у зот: «**Аллоҳга, Унинг китобига, расулига, мусулмонлар имомига ва оммасига**», деб айтдилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Аллоҳга бўлган хайрихоҳлик – Унга иймон келтириб, айтганларини қилиб, қайтариқларидан қайтиш.

- Китобига бўлган хайрихоҳлик – ундаги нарсаларга бўйсуниб, тиловат қилиш.

- Расулига бўлган хайрихоҳлик – у олиб келган рисолат ва кўрсатмаларни тасдиқлаш.

- Мусулмонлар имомига бўлган хайрихоҳлик – ҳақда бўлсалар, уларга ёрдам бериб, итоат қилиш.

- Оммага бўлган хайрихоҳлик – уларга амру-маъруф, наҳий-мункар қилиб ҳамда азият бермаслик билан бўлади.

Жажжи болажонлар! Мўмин жамиятда одамлар бир-бири билан фикр алишиб, ўзаро ҳамкорликда яшаса, шунда жамият кучли ва азизликда яшайди. Чунки, танҳо шахс тўғри йўлни топиши машаққатлидир. Лекин, ҳаётий ишларида ўзаро маслаҳатлашишса, таклиф айтишса ва огоҳлантиришса, эгри нарса тўғриланиб, адашган тўғри йўлни топади ва камчиликка барҳам берилади. Бу билан мўмин жамият кучли ва саодат манбасини топади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Мусулмонларга хайрихоҳлик ва насихатда бўлиш диннинг умумий кўриниши ва йиғиндисидир. Худди ҳаж арафотдаги йиғин биландир, дейилгани каби.
2. Хайрихоҳлик барча яхшилиқни ўзида мужассам қилган сўздир.
3. Аллоҳ учун бўлган хайрихоҳлик иймонни ўзида мужассам қилиш, Аллоҳни мукамал ва улуғлик сифатлари билан васф қилиш, Аллоҳга ибодат қилиб, Унинг неъматларини эътироф қилиш.
4. Аллоҳнинг китобига бўлган хайрихоҳлик, китоб Аллоҳнинг ҳузуридан тушган деб иймон келтириш, уни эҳтиром қилиб, тиловат қилиш ва унинг ичидаги нарсаларни тасдиқлаш.
5. Расулига бўлган хайрихоҳлик, у зот олиб келган рисолатни тасдиқлаш, тирикликлари ёки ўлганларидан кейин ҳам у зотнинг чақириқларини тарқатишда ёрдам бериш ва одамлар орасида у зотни суннатларини ёйиш.
6. Мусулмонлар имомларига нисбатан хайрихоҳлик ҳақ йўлда уларга кўмакчи бўлиш ва ғафлатда қолган нарсаларида уларга билдириш.
7. Мусулмонлар оммасига нисбатан хайрихоҳлик, уларни яхшиликка йўллаб, айбларини яшириб, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришдир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI